

ISSN:2181-0427 ISSN:2181-1458

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО  
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



**2021 йил 12-сон**



67	<b>Tabassumning muloqotdagi o'рни</b> Вахриднова Е.А .....	346
68	<b>Аксиологик модалликнинг кириш сўзли бадий матнларда ифодаланиши</b> Бойматова Д.Б. ....	351
69	<b>Логистика терминларининг лексикографик талқини</b> Джумабаева Ж.Ш., Алаутдинова К.Ш .....	355
70	<b>Тазкираи Шуаро"нинг қўлёзма нусхаларидаги маълумотлар қиёси</b> Дўстова С.С. ....	363
71	<b>Ш.Сейтов ва Ш.Холмирзаев ижодида образлар типологияси</b> Каниязова Ж. О. ....	367
72	<b>Лингвоўлкашунослик ва миллий-маданий бирликлар</b> Махмурова М. Ҳ .....	374
73	<b>Лингвомаданиятшуносликда бадий оним тушунчаси</b> Бахтиёрова М.Б .....	380
74	<b>Таржумон туркий ва ажамий ва мўғулий ва форсий" Қўлёзмаси хусусида</b> Жафаров Б.С .....	386
75	<b>Vadiiy tarjima va ijodkorning individual uslubi.</b> Mansurova G. M., Eshmurodov U. X .....	391
76	<b>Ўзбек тили географик терминларида полифункционаллик</b> Исломов И.Х .....	395
77	<b>Baking process terms in english, russian and uzbek languages from the point of view of language sources</b> Muminova D. A .....	400
78	<b>Жамол камол – рубоийнавис</b> Қувватова Д., Назарова Д., Назарова Д. ....	404
79	<b>Somatik so'zlarning muhim xususiyatlari</b> Gadoyeva M.I .....	412
80	<b>Чингиз айтматов ижодий фаолияти тадқиқининг географияси, статистикаси, йўналиш ва босқичлари</b> Алисултонова Н.А. ....	417
81	<b>The role of form, meaning and use in teaching grammar communicatively</b> Elmuratov R. Kh .....	422
82	<b>Инглиз тилида эпитетнинг идрок этишнинг ўзига хослиги</b> Умаралиева Д.Т .....	427
83	<b>Роль перевода в изучении иностранного языка</b> Баротова М.Б .....	430
84	<b>Атоқли отларнинг замонавий тилшуносликдаги аҳамияти</b> Санакулов З.И .....	434
85	<b>АҚШ адабиётига европа адабиётининг ижодий таъсири.</b> Файзиёва К.А. ....	437
86	<b>Форс ва ўзбек тилларида жой номларини яшаш бўйича таклифлар</b> Мирзахмедова Ҳ.В. ....	441
87	<b>Тилшуносликда термин ва терминологияга оид қарашлар</b> Хайдаров И.Т .....	448



4. Ткачева Л.Б. Социоллингвистический подход к исследованию терминологии // Русская терминологическая наука 1992-2002. – Вена, 2004. – С. 341-346.
5. Hausmann F.J., O.Reichmann, H.E.Wiegand and L.Zgusta (eds.) 1989-1991. *Wörterbücher/Dictionaries/Dictionnaires: An International Encyclopedia of Lexicography*, vols. 1-3. Berlin/New York: Walter de Gruyter.
6. Taurai Imbayarwo. A biblical hebrew lexicon for translators based on Recent developments in theoretical lexicography Dissertation presented for the Degree of Doctor of Literature at the University of Stellenbosch.: Stellenbosch University, 2008. – 238 p.
7. Zgusta, L. 2006. *Lexicography Then and Now*. Tübingen: Max Niemeyer Verlag (= Lexicographica Series Maior 129).; Wiegand, H. E. and Kucera 1982. Brockhaus-Wahrig: Deutsches Wörterbuch auf dem Prüfstand der praktischen Lexikologie. II. Part: 1st vol. (A-BT), 2nd vol. (BUFZ), 3rd vol. (G-JZ). in: Wiegand, H E (ed.), *Studien zur neuhochdeutschen Lexikographie II*. Hildesheim/New York: Germanistische Linguistik 3-6/80.

### **“ТАЗКИРАИ ШУАРО”НИНГ ҚЎЛЁЗМА НУСХАЛАРИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР ҚИЁСИ**

Дўстова Сурайё Савроновна,  
Жиззах давлат педагогика институти катта ўқитувчиси  
[surayyodustova@gmail.com](mailto:surayyodustova@gmail.com)

**Аннотация:** Ушбу мақолада “Тазкираи шуаро” асарининг қўлёзма нусхалари ҳақида ва асарнинг қўлёзма нусхаларидаги маълумотларнинг ўхшаш ва фарқли томонлари ўрганилиб хулосалар берилди.

**Калит сўзлар:** тазкира, манба, котиб, нусха, фонд, газал, маснавий, асар, хат, адабиёт, шеър, варақ, муаллиф.

### **COMPARISON OF INFORMATION IN THE MANUSCRIPT “TASKIRAI SHUARO”**

Dustova Surayyo Savronovna,  
Senior teacher of Jizzakh State Pedagogical Institute  
[surayyodustova@gmail.com](mailto:surayyodustova@gmail.com)

**Annotation:** This article examines the manuscript of Tazkirai Shuaro and the similarities and differences between the information in the manuscripts.

**Keywords:** tazkira, source, secretary, copy, fund, ghazal, masnavi, work, letter, literature, poem, sheet, author.

### **СРАВНЕНИЕ ИНФОРМАЦИИ В РУКОПИСИ «ТАСКИРАЙ ШУАРО»**

Дустова Сурайё Савроновна,  
Старший преподаватель Джизакского государственного педагогического института  
[surayyodustova@gmail.com](mailto:surayyodustova@gmail.com)

**Аннотация:** В этой статье исследуется рукопись Тазкирай Шуаро, а также сходства и различия между информацией в рукописях.



**Ключевые слова:** тазкира, источник, секретарь, копия, фонд, газель, маснави, произведение, письмо, литература, стихотворение, лист, автор.

“Тазкираи шуаро”нинг қўлёзмалари Ватанимизнинг турли қўлёзмалар фондларида сақланиб келинмоқда. Ҳозирда биз тазкиранинг тўртта қўлёзма нусхасини асосий манбалар сифатида қиёсий аспектда тадқиқ этмоқдамиз. Бу қўлёзмалар Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида 9494, 11499, 12561 рақами остида ва Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейида 213 рақами остида сақланмоқда. Булардан ташқари “Тазкираи шуаро”нинг 1992 йил П.Бобожонов томонидан нашр этилгани ҳам диққатга сазовордир.

11499 рақамли қўлёзма нусха 45 нафар шоир ҳақида маълумотлардан иборат, 9494 рақамли қўлёзма нусха 18 нафар шоир ҳақида маълумот-шеър, 30 нафар шоир ҳақида фақат маълумот, 3та шоирнинг намуна шеъри тарзида берилган, 213 рақамли қўлёзмада эса 29 нафар шоир ҳақида маълумот-шеър, 23 нафар шоирнинг намуна шеъри мавжуд, 12561рақамли қўлёзма ҳамда Бобожонов нашри маснавий-маълумот-маснавий-намуна тарзида тузилган.

Тазкиранинг қўлёзма нусхалари ва нашридаги шоирлар ҳақида берилган маълумотларни ўрганиш жараёнида баъзи маълумотларда фарқли ўринлар мавжудлигига гувоҳ бўлдик ва уларни қуйидагича ўрганишни лозим топдик:

1. Хато берилган маълумотлар
2. Такрорланмаган маълумотлар

Қўлёзма нусхалар ва нашрда берилган баъзи маълумотлар хато берилган. 12561 рақамли қўлёзманинг 37 а варағида “Оқилким, Ҳасанмуродбек муллақаби Отабек тўра демак билан машҳурдур, Феруз Муҳаммад Раҳимхоннинг ҳамширасидин таваллуд қилиб, Ҳасанмурод қўшбегининг набирасидур”, дейилган. Худди шу маълумот Бобожонов нашри ва Анвар Отабоев кучирган нусхада ҳам айнан такрорланган. Қолган нусхаларда эса, Оқил Ферузнинг опаси Чиннижон беканинг фарзанди эканлиги [3.13] айтилган. Ажабланарлиси шундаки, 9494 нусханинг охирида “Асл нусха 2 август 1944 йил чоршанба кунда 14-шаъбон 1364-ҳижрий йилда ёзилди, тамом Лаффасий Ҳасанмурод. Асл нусхадан кўчирувчи Муродов, Хива шаҳри. 1951й 16 август”[3.33б], деб ёзиб қўйилган.12561 нусха эса 1945 йилда ёзилган (1944 йилда тўғри ёзилган маълумотни 1945 йилда эса хато ёзмоқда).Бу маълумотларнинг қайси бири тўғри эканлигини аниқлаш мақсадида адабиётларга мурожаат қилдик. Бобожон Тарроҳнинг “Хоразм навозандалари”да шоирнинг исми Отабек тўра, отасининг номи Муҳаммад Ёқуббек Ҳасанмурод қўшбеги ўғли. Бу Отабек тўра Муҳаммад Раҳим иккинжини ота бир, она бир туғушгон қиз опасидан бўлгон. Демак, бу Отабек тўра Муҳаммад Раҳим иккинжининг жияни бўлуб хисобланади” [1.65], деб аниқ қилиб ёзиб қўйилган. Муҳаммад Юсуфбек Баёний ёзишича, Ҳасанмурод қўшбеги ва Муҳаммад Назар қўшбегилар Шоҳниёз Оталиқнинг ўғиллари бўлиб, бу тўғрида Отаҳий “Гулшани давлат”да: “Ҳасанмурод қўшбегиким, анинг насаби олти орқада ҳазрати аъло хоқонининг муборак насабига қўшилур, андоқким, Ҳасанмурод қўшбеги ибн амири кабир марҳумий Шоҳниёз оталиқ ибн Искандарбий ибн Дўсимчўра ағоси ибн Рустам иноқ ибн Беғижон иноқ ибн Умбой иноқким, ҳазрати Хисравий офоқнинг насаби олийси етти орқада онга етишур... Умбой иноқ Абулғозийхон (1643-1664) даврининг баҳодир, саркарда иноқларидан хисобланади. Ҳасанмурод Саййид



Муҳаммад даврида қўшбеги этиб тайинланган. Унинг Муҳаммад Юсуфбек, Бекжонбек, Муҳаммад Ёқуббек деган уч ўғли бўлиб, Саййид Муҳаммадхон ўзининг Чиннижонбека исми қизини Хасанмурод қўшбегининг кенжа ўғли Муҳаммад Ёқуббекка никоҳлаб берган. Шоир Отабек тўра Чиннижонбеканинг 1874 йилда туғилган ўғли, Саййид Муҳаммадхоннинг неварасидир” [2.163]. Баъзи маълумотларда берилган бу каби хатоликлар тазкиранинг бир неча бетида учрайди. Хато берилган маълумотларни Хива адабий муҳитига оид манбалар билан қиёслаб, тўғриси янги йиғма-қиёсий матнда акс эттирдик.

*Қўлёзма нусхалар ва нашрда берилган баъзи маълумотлар бири иккинчисида такрорланмаган.* 9494 қўлёзма нусхада дебочадан сўнг бу тазкирани ёзишдан мақсад, ёзишни ким таклиф этганлиги ҳақида, “...Хоразм диёрининг Хевақ давлат музейининг директури Кваркиянким, асли Озарбойжонлидур. Ул киши бир куни ман фақир шикаста кўнгулни чақириб, мурувват ва марҳаматлар қилиб дедики: “Эй биродар ва эй дилхаста, замона адабиётчиларининг гавҳарисанким, ҳозирда санинг фаҳму идрок ва фаросатлиг замиринг хушдур. Чунончи хонлиг даврида ўткан адабиётчи шоирларнинг таржимаи ҳолларидин нуктадонлиг қилиб, аларнинг ҳолларидин бир тўплам вужудга келтуруб китобат қилсанг, сандин бир ёдгор ва нишона бўлуб қолар эди. То ким замон адабиёт суювчилари манфаатланиб сани ва мани ҳам ёд этиб турарлар”, деб амр қилиб маслаҳат бергани сабабли, гарчи қудратим етмаса ҳам онинг илтимосин рад қила билмай, иқтидорим етканча Хевада ўткан шоирларнинг баъзи бир қардошлар ва қарт кишиларнинг ёрдамлари билан, ҳамда Хоразм тарихшуносларининг маълумотлариға суяниб, ушбу тўпламға Хева шоир ва адабиётчиларининг аҳволлари деб тасмия бердим...[3.2а]”, деб айтилган ва бу берилган маълумотлар 12561, 213, 11499 қўлёзма нусхаларда йўқ. 9494 рақамли қўлёзма нусха бу маълумотни берилиши билан аҳамиятлидир.

12561 рақамли қўлёзманинг 7б ва 8а варақларидаги “Аммо, Мунис биринжи дафтарни тамом этиб, иккиланжи дафтари таърихни ҳам таржима этиб тамом қилмасдин таърихи ҳижрий бир минг икки юз доғи қирқланжи йили моҳи шарифи рамазонда биринжи Муҳаммад Раҳимхон ушбу ялғончи дунёдин кўз юмиб, беҳишти жовидонига сафар қилиб, ўрниға ўлуғ ўғли Аллоҳқули Хива мамлакати Хоразм тахтиға отасининг мерослиг воситаси билан моҳи шарифи рамазон намози жуъма кечаси намози хуфтандин кейин ҳамма умаро,вузаро, уламоларнинг иттифоқи билан хонлиг тахтиға жулус этиб, улуғ амаки Муҳаммад Назарбекни иноқлиг, кичик биродари Раҳмонқулини Хазорасп балдасиға билистиқлол ҳоким қилиб, Мунисни доғи ўз мансаби мироблиғда қиладур. Шунинг илан баробар Мунис доғи мироблиғ мансабида хизматлар қилиб, доғи “Равзатус сафо” таърихининг таржимасиға машғуллиг этиб турадур...”[5.7а,8б.], деган маълумотлар Бобожонов нусхасида берилмаган.

12561нинг 8а варағидаги “Аммо Аллоҳқулихон бошиға қизилбошларнинг чофавули тушуб, ўзиға Хоразм мамлакатининг туфроқин кенг қилмоқлиг мақсади бирлан 1244инжи ҳижрий йили офтоби оламтоб жавзо буржида сафар қилиб, Мунисни доғи ўзи бирлан ҳамроҳ олиб, сафари Хуросон этадур. Мунис доғи хон фармониға мувофиқ бул доғи ҳамроҳи сафари Хуросон этиб, ҳавонинг қаттиғ тамуз иссиғелиғида реги Хоразмдин суръати тамом бирлан ўтуб, бир неча машаққату кулфатлар билан неча манзиллардин кейин қизилбошларнинг Лутфобод қалъасин бориб муҳосара қилиб, аскарларига тоун-вабо етушуб, ҳамма исҳол хасталиғиға мубтало бўлуб, икки ва уч кун



ётуб ўладурлар. Шул ўртада Мунис доғи исҳол ҳасталиғига дучор бўлгон ҳолида бетоблиғ бистарига бош қўядур. Аммо, ҳукамолар Мунисга ончалиғ муолажа қилиб турлик давойи этиб, маъжунлар бериб муолажа қиладурлар, ҳеч манфаат ҳосил бўлмай, балки, ҳасталиғ исҳоли тараққий этиб, шиддатлиғ бўлгон ҳолида уч кун ётиб, охир натижада “Иза жоа ажалухум ла йастаъхируна соатан” фатвосига мувофиқ “Кулли нафсин зоиқат ул-мавт” нидосига вобаста бўлуб, юз минг ҳасрат ашқларни кўзидин жорий-сайлон қилгон ҳолида золим фалақдин додлар қилиб, эллик беш ёшида бул дунёдин кўз юмуб, беҳишти жовидониға бориб, манзил қиладур...” [5.8a] деб ёзилган маълумотлар ҳам Бобожонов нашрида йўқ. Нашрда Муниснинг Оллоҳқулихон билан сафарга боргани ва Охалга бориб унга бир хасталик (номи ёзилмаган) ёпишгани, бу хасталик билан йигирма саккиз кун ётиб, эллик беш ёшида вафот этгани ёзилган.

12561 рақамли нусхадаги Муниснинг отаси Аваз миробнинг вафотиға бағишлаб ёзган таърихи, Мирзо Масиҳо Бухорий ҳақида маълумот ва ёзган тарихлари, Мулло Вайсниёз Зийракийнинг 2та таърихи, “Зийракнинг ашъорлари Мунисга ва Муҳаммад Раҳимхон I га ёққани, Муҳаммад Раҳимхон I га бағишлаб қасида ва таърих битган” лиги ҳақидаги маълумот ҳам Бобожонов нашрида берилмаган.

Демак, 12561 рақамли қўлёзмадаги маълумотлар, 9494 ва 11499 рақамли қўлёзма нусхалардагига қараганда кўпроқ берилган. Хулоса қилиб айтганда, “Тазкираи шуаро” асари қўлёзма нусхалари ва нашридаги шоирлар ҳақида берилган маълумотларни ўрганиш жараёнида баъзи маълумотларда фарқли ўринлар мавжудлиги шуни курсатдики, биринчидан, муаллиф дастлабки қўлёзмага кейинчалик баъзи қўшимча ва тузатишлар киритганлигидир. Иккинчидан, мазкур қўлёзмалар кейинчалик котиблар томонидан кўчирилганда айрим қисқартиришларга йўл қўйилган.

#### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Бобожон Тарроҳ. Хоразм шоир ва навозандалари. (нашргатайёрловчилар: А. Отамуродова, О. Абдкраҳимов) Тошкент. “Тафаккур қаноти” 2011. 65-бет.
2. Огаҳий, Асарлар 6 жилд, 163-бет
3. ЎзР ФА Шарқшунослик институти 9494 қўлёзма нусха 2 а, 13 а, 33б, варақ, 4. ЎзР ФА Шарқшунослик институти 11499 қўлёзма нусха 9 а варақ.
5. ЎзФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди 12561 рақамли қўлёзма нусха 7б, 8а, 37а варақлар.
6. [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/4818](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/4818)
7. [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/4819](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/4819)
8. [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/4836](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/4836)
9. [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/2375](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/2375)